

4. Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. Пер. с англ. – М., 1962. – 408 с.
5. Александров И.М. Налоги и налогообложение. Учебник. – 7-е. изд., перераб. и доп. - Издателско-торговая корпорация «Дашков и Ко», - М.: 2007. – 314 с.
6. Брызгалин А.В. Правовое регулирование порядка установления и взимания местных налогов и сборов. //Финансы. 1996. № 1. –С. 30.с.
7. Almardonov M.I. O‘zbekiston Respublikasi soliq tizimi va uning tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishga ta’siri. i.f.d. ilmiy darajasini olish uchun taqdim etilgan dissertatsiya. – T: TMI, 2004.- 233 b.
8. Ashurova N.B. Barqaror iqtisodiy o‘shishni ta’minlashda soliqqa tortish mexanizmini takomillashtirish. Iqt. fan. dok. ... diss. avtoref. – T.: 2018. – 72 b.
9. Xudoykulov S.K. Soliq tushumlarini prognoz qilish metodologiyasini takomillashtirish. i.f.d., diss. avtoreferati. – T., 2019. -77 b.
10. Qo‘zieva N.R. Xorijiy investitsiyalar ishtirokidagi korxonalar faoliyatini rag‘batlantirishning moliya-kredit mexanizmini takomillashtirish yo‘nalishlari. i.f.d ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. – T.: TMI, 2008.- 298 b
11. <http://www.stat.uz> -O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi ma’lumotlari
12. O‘zbekiston Respublikasi Davlat soliq qo‘mitasi ma’lumotlari.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

*Гулмуродов Камолиддин*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети катта ўқитувчиси*

Миграция глобал ва ноаниқ ходисадир. Аҳоли миграциясининг ҳаракати турли хил омил ва сабабларнинг ўзаро таъсири натижасида юзага келади. Аҳолини бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришга мажбур қилувчи сабаблардан энг муҳими иқтисодий-ижтимоий сабаблар, яъни ишсизлик, муносиб иш топиш, олий ва ўрта махсус маълумот олиш, яъни ўқиш ва бошқа турлари билан ажралиб туради. Шунингдек, иқлимнинг салбий таъсири, моддий маданий-маиший шароитдан қониқмаслик ҳамда оилавий шароитларнинг таъсири ва ҳ.к.ни санаб ўтиш мумкин.

Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек “худудларни комплекс ривожлантириш тадбирларини изчил давом эттириш лозим” [1], худудларни ривожлантириш учун эса миграция омили ҳам жуда катта роль ўйнайди.

Миграция – ички ва ташқи миграцияга бўлинади. Ички миграция мамлакат ичкарасида аҳолининг худудлар бўйлаб, яъни шаҳар билан қишлоқ ўртасида қайта тақсимланишига олиб келади ва у мамлакатда аҳоли ва оилалар сонининг кўпайиши ёки камайишига сабаб бўлади. Ташқи миграция эса аҳолининг мамлакат худудидан ташқарига чиқиб кетиши назарда тутилади[2].

Аҳолининг миграцион ҳаракати асосан уч турга, яъни доимий миграцияга, мавсумий миграцияга ва тебранма миграцияга бўлинади. Кишиларнинг бир аҳоли пунктидан бошқа бир аҳоли пунктига, масалан, қишлоқдан шаҳарга ёки давлатлараро доимий яшаш жойини ўзгартириш мақсадида кўчиб юриши доимий

миграцияга хос жараёндин. Доимий миграция мамлакатнинг ички худудида ва давлатлараро бўлиши мумкин.

Мавсумий ва тебранма миграция асосан ички миграцияга хос хусусият бўлиб, аҳоли миграциясининг асосий турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мавсумий миграция учун аҳолининг вақтинчалик худудий ҳаракат қилиши ҳарактерлидир. У ўз навбатида мазмун ва мақсадига кўра иқтисодий ва ижтимоий-маданий жараёнларга хос турларга бўлинади. Кўчиб юриш интенсивлиги эркаларга ҳам, аёлларга ҳам хосдир. Тадқиқотлар кўрсатишича кейинги йилларда аёллар орасида мигрантлар сони бир мунча кўпайди.

Аҳоли миграциясининг йўналишлари ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва жойланиши билан, хўжалик тармоқларининг билан таъминланганлик даражаси ва аҳолининг турмуш даражасидаги тафовутлар билан белгиланади. Кўчиб юривчи аҳоли тўрт йўналиш бўйича ҳаракатланади. Булар шаҳардан шаҳарга, шаҳардан қишлоққа, қишлоқдан шаҳарга ва қишлоқдан қишлоққа[2]. Аҳоли ҳаракати йўналишлари асосан қишлоқдан шаҳарга йўналишида ҳаракат қилади.

Ўзбекистон Республикасида миграция мавзусининг ижтимоий-социологик, фалсафий, тарихий ва иқтисодий жиҳатларини ёритиб беришда Қ.Х. Абдурахмонов, Л.П. Максакова, Б.Х. Умрзоқов, М.Раҳимов, Ф.Я. Парманов, К. Каланов, З.А. Толаметова, илмий тадқиқотлар олиб боришган. Шу билан бирга, аҳоли миллий таркибининг миграция жараёнларига боғлиқлиги муаммоларни тарихий қиёсий тадқиқ қилишга ҳаракат қилган. Мавжуд тадқиқотлар Ўзбекистон аҳолисининг миграцион жараёнлардаги иштирокининг моҳияти ҳамда мазмунини ўрганишга муҳим ҳисса қўшган.

Ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири қишлоқ оилаларида ортиқча ишчи кучининг тўпланиб қолишидир. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги таракқиётида ишлаб чиқарувчи кучлардан оқилона фойдаланишнинг зарурлиги, кичик ва ўрта шаҳарларни ҳар томонлама ривожлантиришни тақазо этади. Кичик ва ўрта шаҳарларда маҳаллий хомашё ҳисобига янги саноат тармоқларини ташкил этиш ёки халқ хунармандчилигининг умуман халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг хилма-хил тармоқларини ривожлантириш асосида янги иш жойларини ташкил қилиб, ортиқча меҳнат ёшидаги аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини маълум даражада ҳал қилиш мумкин. Кичик ва ўрта шаҳарларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобига у ерга қишлоқ жойларидаги ортиқча ишчи кучлари жалб қилиш ишсизликни камайтиради ҳам иқтисодий барқарорликни таъминлайди[3]. Аҳоли миграцион ҳаракатининг йўналиши умумдавлат нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ бўлган тақдирда, яъни меҳнат ресурси етишмайдиган худудларга кўчиб ўтгандагина унинг иқтисодий аҳамияти катта бўлади (1-жадвал)[4].

Ички миграция туфайли янги-янги табиий бойликларни ишга солиш, янги ерларни ўзлаштириш, ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш мумкин. Аммо миграциянинг давлат манфаатларига мувофиқ бўлмаган йўналиши, яъни

аҳолининг меҳнат ресурслари билан тўла таъминланган ҳудудларга кўчиб ўтиши, баъзи хўжалик тармоқларини тайёр меҳнат ресурси билан таъминлаб, юзаки қараганда ижобий кўринсада, аслида бу ҳолат салбий натижаларга олиб келади.

Меҳнат ресурслари билан кам ҳудудларга аҳолини кўчишини рағбатлантириш, иқтисодий имтиёзлар бериш орқали ҳам меҳнат ресурслари кўп ҳудудларда ишсизликни камайтириб, меҳнат ресурслари кам бўлган ҳудудларни янги иш кучи билан таъминлаш иқтисодга катта фойда олиб келган бўлар эди. 1-жадвал маълумотлари ёрдамида кичик жадвал тузамиз (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги бўйича гуруҳланиши**

Т/р	Ҳудудлар	Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси
1.	Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Андижон, Наманган, Тошкент ва Сурхондарё	кўп таъминланган
2.	Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм	ўртача таъминланган
3.	Жиззах, Сирдарё ва Навоий	кам таъминланган

1-жадвалда меҳнат ресурслари кўп, ўртача ва кам таъминланган синфларга ажратилган. Жадвал ёрдамида меҳнат ресурслари кам ҳудудларни яққол кўришимиз мумкин.

Миграция жараёнларини тартиблаш учун меҳнат ресурслари кўп ҳудудлардан, меҳнат ресурслари кам ҳудудларга кўчириб ўтказиш орқали аҳолини бир қанча муаммолари (жой, ишсизлик, меҳнат ресурслар билан таъминланиш ва бошқа ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- мутахассислиги бўйича кафолатланган иш жойи билан таъминланиш;
- турар-жойга эга бўлиш. Бунда уй-жойни имтиёзли кредит асосида бериш ва кредитни муайян муддат (бир йил)дан (қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиштириб олгандан) сўнг тўлашни бошлаш ҳамда 5 йиллик имтиёзли давр билан 15 йилга бериш[5].

Хулоса қилиб айтганда, ички меҳнат миграциясини самарали ташкил этиш йўналишлари этиб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Ташкилий-ҳуқуқий:

- Ўзбекистон Республикасининг “Ички меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиш;
- туманларидаги бандликка кўмаклашиш марказлари тасарруфида ички меҳнат миграцияси масалалари билан шуғулланувчи махсус бўлим ташкил қилиш;
- ишчи кучи тақчил ҳудудларда кенг тармоқли ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш;

- меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида бошқа ҳудудга кўчаётган фуқароларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини белгиланган тартибда таъминлаш;

- ички мигрант мигрантларини аниқ ахборотлар билан таъминлаш учун тегишли бепул хизмат кўрсатиш;

- ички меҳнат миграциясини ҳисобга оладиган ягона электрон автоматлаштирилган тизимни яратиш ҳ.к.

#### ***Иқтисодий:***

- бошқа ҳудудлардан ишчи кучи билан кам таъминланган туманларга кўчиб келувчилар иш ҳақига махсус устамалар бериш;

- яшаш билан боғлиқ сарф-харажатлари учун ойлик пул компенсацияси тўлаш;

- чекка туманларда бўшаб қолган ва эгасиз уй-жойларни бошқа ҳудудлардан ихтиёрий равишда кўчиб келадиган муҳтож оилаларга текин бериш ва ушбу уй жойни шахсий мулки сифатида расмийлаштириб бериш;

- қишлоқ фуқаролар йиғинлари кўчиб кетувчи ва келувчи оилаларга тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар олишларида амалий ёрдам кўрсатиш;

- ишчи кучи билан кам таъминланган ҳудудларда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи янги ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларини барча турдаги солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод қилиш;

- ички меҳнат мигрантларининг фарзандлари учун мактабгача таълим муассасалари, болаларни ўқитиш учун ота-оналарнинг ойлик тўловидан 1 йилгача озод қилиш ва ҳ.к.

#### ***Ижтимоий:***

- ҳар бир маҳаллаларда ишчи кучи кам таъминланган ҳудудлардаги бўш иш ўринлари, иш характери, маош, ишчилардан талаб этиладиган малакалар ҳақида маълумотларни тўплаб бориш ва эълон қилиш;

- кўчиб келувчи оилаларни ётоқ жойлар билан таъминлаш;

- маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ички меҳнат мигрантларининг янги яшаш жойига тезда мослашишига амалий ёрдам кўрсатиш;

- ички меҳнат мигрантларининг оила аъзоларига зарур тиббий ёрдамларни кўрсатиш;

- мигрантлар фарзандларининг таълим олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш ва ҳ.к.

Ички миграция муаммосини ҳал этиш ташқи меҳнат миграциясини камайишига олиб келади. Ташқи меҳнат миграцияси жараёнида кўп учрайдиган муаммолардан бири бу мигрантларнинг ҳуқуқларини бузилиши, одам савдоси ва дискриминация ҳолатларидир. Шунингдек, мигрантларнинг, айниқса, норасмий равишда фаолият олиб бораётган меҳнат мигрантларининг транспорт воситаларида хорижга чиқишлари ёки уйга қайтишларида уларнинг шахсий хавфсизлиги

таъминланмаганлиги ҳам бугунги кунда энг муаммоли масалалардан бири ҳисобланади.

***Фойдаланилган адабиётлар:***

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018-йил 28-декабрдаги 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. www.uza.uz - Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги портали.*
2. *Абдураҳмонов Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти назария ва амалиёт” Т.: “ФАН” Нашироти – 2019 й.*
3. *Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З., Арабов Н.У., Бобоназарова Ж.Х., Абдураманов Х.Х. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг назарий ва амалий асослари. Т.: 2018. 89 б.*
4. *Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси www.stat.uz- расмий веб сайти*
5. *Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З., Арабов Н.У., Бобоназарова Ж.Х., Абдураманов Х.Х. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг назарий ва амалий асослари. Т.: 2018. 90 б.*

## **ECOTOURISM AS A WAY OF SUSTAINABLE TOURISM DEVELOPMENT OF THE REGION**

***Rakhmonov Shukhrat***

*PhD student of Samarkand Institute of Economics and Service*

Sustainable tourism, also known as responsible tourism or ecotourism, is a way of traveling and exploring natural, cultural, and historical sites while minimizing negative impacts on the environment, supporting local communities, and preserving the integrity of destinations for future generations. The World Tourism Organization defines sustainable tourism as a form of tourism that takes full account of its current and future economic, social and environmental impacts, addressing the needs of visitors, the industry, the environment, and host communities [1]. In order to promote widespread engagement and consensus building, sustainable tourism development necessitates the informed participation of all pertinent stakeholders in addition to strong political leadership.

Ecotourism is a subset of sustainable tourism that focuses on visiting natural areas to appreciate, conserve, and sustain the environment while promoting the well-being of local communities. According to International Ecotourism Society ecotourism is “responsible travel to natural areas that conserves the environment, sustains the wellbeing of local people, and involves interpretation and education” [2]. Ecotourism involves experiencing and preserving natural environments and cultural heritage while minimizing negative impacts. It can be a powerful tool for sustainable tourism development in a region for several reasons:

**1. Conservation of natural resources:** Ecotourism promotes the preservation of natural environments by raising awareness about the importance of conservation and providing economic incentives for protecting them. Local resources are immediately